
ЭНГ ЯХШИ АХБОРОТ КУТУБХОНА МАРКАЗИ

Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот кутубхона марказида “Энг яхши ахборот-кутубхона маркази” ва “Ахборот-кутубхона марказининг энг яхши мутахассиси” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда республикамиз вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг 14 та жамоалари иштирок этди.

– Кутубхонамиз фондида 300 мингга яқин адабий-бадий, илмий адабиётлар мавжуд, – дейди Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро ахборот-кутубхона маркази директори Зевар Салимова. – Кутубхонамизда жорий йил давомида китобхонларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш, ижтимоий таъминотга мухтож 100 нафардан зиёд аъзоларимизга марказ ходимлари томонидан уйига етказиб бериш сингари қулайликлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги”ги фармойиши бизларни янада масъулият билан изланишга ундади, – дейди Алишер Навоий номидаги Сирдарё АКМ мутахассиси Сурайё Эрманова. – Фармойиш доирасида “Китоб инсониятни қутқаради” акцияси, “Китобхон шоу” ўтказилди. 100 нафардан зиёд уюшмаган ёшлар ўртасида тушунтириш тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларга китоблар тарқатилди, кутубхона аъзолигига қабул қилинди.

Танлов якунида шартлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Биринчи ўрин Фарғона вилоят, иккинчи ва учинчи ўринлар Андижон вилояти ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона маркази жамоаларига насиб қилди.

Шу билан бирга, “Ахборот-кутубхона марказининг энг яхши мутахассиси” кўрик-танловида Аҳмад ал-Фарғоний номидаги АКМ мутахассиси Диёра Дадажонова тақдирланди.

Тадбирда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхона директор ўринбосари Умида Тешабоева, Республика ахборот кутубхона маркази директори Алишер Отақўзиев иштирок этди.

2017-08-21 12:03:20